

Евро-2020 матбуот анжуманида бўлган аччиқ ҳақиқатлар



06:37 / 18.06.2021 3510

Евро-2020 матбуот анжуманида Криштиану Роналду, Пол Погба ва Мануэл Локателли олдиларига қўйилган газланган ичимликларни четга олиб қўйганди. Бундан ҳайратга тушган ҳомийлар УЕФА футболчилардан Европа чемпионати давомидаги матбуот анжуманларида ҳомийларнинг ичимлик шишаларига тегмасликни талаб қилди.

УЕФАнинг тадбирларни ташкиллаштириш бўйича директори Мартин Калленнинг сўзларига кўра, ташкилот бу масала бўйича жамоалар билан иш олиб борган.

«Бу муҳим, чунки ҳомийларнинг даромадлари мусобақа ва Европа футбол учун муҳим», - деди Каллен.

Ҳаммаси Криштиану Роналду Венгрия жамоаси билан баҳсдан сўнг ташкил этилган матбуот анжуманида олдидаги Соса-Сола шишаларини бир четга суриб қўйиб, «мана, нимани ичиш керак» дея оддий сув қўйилган шишани олгандан бошланган эди. Португалия миллий жамоаси сардори Криштиану Роналдунинг Евро-2020 1-туридан ўрин олган Венгрияга қарши ўйнолди матбуот анжумани бошланишида қилган иши кўпчиликнинг эътиборига тушди.

Хужумчи ўтириши билан олдида турган Coca-Cola'ни четга олиб қўйди ва столда фақат сувни қолдирди.

Маълумот учун, Роналду фаолиятида бирор марта Coca-Cola ва Pepsi рекламаларида суратга тушмаган. Pepsi бир бор рекламасида футболчининг суратидан рухсатсиз фойдалангани учун кечирим сўраган.

Аввалроқ хужумчи ўғлининг Coca-Cola ичиши ва чипслар ейишидан хавотирдалигини, улар танага зарарли эканлигини таъкидлаганди.

Шунингдек, Роналду ёшлигида «МЮ» машғулотларига Cola билан келгани учун жамоадоши Райан Гиггздан танбеҳ эшитган.

Германия билан кечган ўйинда ғалаба қозонган Франция миллий терма жамоаси учрашувдан сўнг (1: 0) матбуот анжумани ўтказиш учун залга йиғилди. Машҳур мусулмон футболчи, франциялик ярим ҳимоячи Пол Погба Евро-2020 матбуот анжуманида бир шиша «Heineken» пивосини стол устида бўлишини истамади. Футболчи бу шишани полга олиб ташлади ва столда сув ва икки шиша Coca-Cola қолдирди.

Эслатиб ўтамиз, Ислом динига биноан спиртли ичимликларни истеъмол қилиш тақиқланган. Бу мусулмон футболчининг Евро-2020 ҳомийсини қўллаб-қувватлашни истамаслигини тушунтиради.

Асли Гвинеядан келиб чиққан франциялик футболчи, «Манчестер Юнайтед» ярим ҳимоячиси ва дунёнинг энг қимматбаҳо ўйинчиларидан бири ҳисобланади.

Кейинроқ италиялик Мануэл Локателли ҳам (у ҳам Coca-Cola шишаларини олиб қўйди) худди шундай қилди.

Tribuna.uz манбаси асосида Хуршид Маъруф тайёрлади